

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИННИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

**Нишонова Гулчехра Камолдиновна**

Андижон вилояти Пахтаобод

тумани Педагогика колледжи ўқитувчиши

### **Annotation**

In recent years, much attention has been paid to the study of certain stages of speech development. It is a well-known fact that in the course of one's life, one acquires the riches of language and improves one's speech. Each age stage brings some novelty to its speech development. The most important stage in the acquisition of speech is preschool age. This article discusses the current problems of children's speech development.

**Таянч сўзлар:** нутқ, босқич, қобилият, индивидуал фарқлар, ривожлантириш, фаолият, мулоқот

Республикамиздаги давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларда таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълим масалалари алоҳида дикқат қилинаётганлиги бежиз емас. Мактабгача таълим ташкилотлари соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароит яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлаш ота-оналарга ёрдам беради. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 11- моддасида: “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оиласида, мактабгача таълим муассасаларида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади”, - дейилган. Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида илфор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, муассасаларни замонавий билимларга эга тарбиячилар билан тўлдириш ҳамда уларда касбий малака, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашув ҳиссини қарор топтириш, узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир, шу билан бирга, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича малакали тарбиячи ва педагог кадрлар бугунги кунда узлуксиз инноватцион изланишда бўлишни, фикрлаши, шунингдек, МТМ ларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Шу билан бирга, энг асосий масалалардан бири албатта, болаларнинг нтқини ўстириш масаласадир.

Нутқий ривожланишга тил қобилияtlарини - тил элементлари ва улар билан операциялар ўтказиш қоидаларини ўз ичига оловчи ҳаракатчан, функционал

тизимларни шакллантириш сифатида қаралади. Бу тил умумлаштирмалари негизида яратиладиган индивидуал тил тизимиdir. Турли ёш босқичларида турли тил воситаларини, яъни: нутқ товушлари, лексик-грамматик материаллар ва бошқаларни ўзлаштиришда болалар нутқида индивидуал фарқлар кузатилади. Шунингдек, болалар нутқи шаклланишининг асосий босқичларида ҳам индивидуал фарқлар кузатилади. Болалар тили нафақат катталар тилининг дастлабки босқичи, балки ўз хусусий қонунларига бўйсунадиган тўла мустақил тузилмалар ҳамdir.

**Бола нутқи** - болага оид бўлган ўзига хос маданиятнинг қимматли овозидир. Нутқни ривожлантириш нафақат болани атроф-олам билан таништириш томони, балки умумий психик ривожланиш устуни ҳисобланади. Бола нутқининг ривожланиши умуман шахсни ва шу билан бирга барча психик жараёнларни шакллантириш билан боғлиқдир. “...Тилни эгаллаш жараёни - бу фақат ва шунчаки билимлар, маҳорат ҳамда кўникумаларни бериш жараёни емас. Бу энг аввало тарбиядир. Қалбни тарбиялаш, ақлни тарбиялаш, фикрлар тузишни шакллантириш, инсон руҳий қиёфасининг энг нозик кирраларига чидам билан ишлов беришдир” (К.Д.Ушинский).<sup>1</sup>

Бола нутқий ривожланишининг, бир томондан, ташқи таъсирлар билан белгиланиши, иккинчи томондан эса унинг тўсатдан юз бериши, “ўз-ўзидан харакатга келиши” билан тавсифланишини тушуниш нутқ онтогенези ҳақидаги замонавий тасаввурларга хос ҳолатдир. Нутқни ривожлантиришнинг ана шу қонуниятлари ва механизmlарини тушуниб этиш уларни батафсил кўриб чиқиши талаб қиласди.

Қайд этиш лозимки, олимлар фикрига кўра, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари нафақат нутқда, балки мутлақо болалар фаолияти бўлмиш ўйинлар ва болалар қизиқувчанлиги жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлади (Н.Н.Подяков) ҳамда у катталар ролини инкор етмайди: катталар болаларнинг фаоллигига жавоб беради, болага эътиборини қаратгани ҳолда уни фаолиятга, мулоқотга чорлайди.

Сўнгги йилларда нутқ ривожланишидаги айрим босқичларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ҳар бир инсон бутун умри мобайнида тил бойликларини эгаллагани ҳолда ўз нутқини такомиллаштириб боради. Ҳар бир ёш босқичи унинг нутқий ривожланишига бирон-бир янгилик олиб киради. Нутқни эгаллашдаги энг муҳим босқич мактабгача ёшга тўғри келади.

Вербал босқичгача бўлган даврни (ёки тайёргарлик босқичини) психологик таҳлил қилиш тадқиқотчиларни нутқнинг муҳим омиллари айнан ушбу даврда шаклланади, деган хulosага олиб келмоқда. Зоро, мазкур даврда мулоқотга эҳтиёж шаклланади, атрофдаги катталар билан эмоционал алоқа ўрнатилади, овоз муносабатлари, нутқ-

<sup>1</sup> Asqarova M., Matchonov S. va boshqalar. Kichik yoshdagil bolalar nutqini o'stirish. Toshkent. “O'zbekiston”, 2001-y., 9-bet.

харакат аппарати, фонематик тинглаш қобилияти, катталар нутқини фаол қабул қилиш ва тушуниш ривожланади. Ушбу омилларнинг шаклланиши - ривожланишнинг нутқ босқичига ўз вақтида ўтишнинг мухим шартидир.

Сўнгги йилларда олинган фактлар боланинг ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган катталар билан бевосита-эмоционал мулоқотининг боланинг катталар нутқини қандай тушуна бошлашини, унинг қачон фаол сўзлай бошлашини ва келгусида унинг нутқи қандай суръатда ривожланишини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигидан далолат бермоқда.

Илк болалик даври чегаралари билан туташ бўлган нутқининг шаклланиш босқичи турли соҳа олимларини, жумладан: психологлар, педагоглар, лингвистларни энг аввало бу нутқ ривожидаги ўзига хос алоҳида даврлиги билан қизиқтириб келади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, у нутқни ривожлантириш учун синтезив ҳисобланади; мазкур даврда нутқ мулоқот воситаси сифатида пайдо бўлади ва такомиллашади; унинг ривожланиши шундай тез суръатларда амалга ошадики, кейин у келгусидаги барча онтогенез мобайнида бошқа кузатилмайди. К.Д.Ушинский шундай қайд этган эди: “бола... иккиминчада ёшида шунчалик енгил ва тез ўзлаштириб оладики, кейин йигирма йил қунт билан ўқиганида ҳам унинг ярмини ҳам ўзлаштира олмайди”.

Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш масалалари кўп йиллар мобайнида ишлаб чиқилган. Ушбу давр тадқиқотчиларни нутқ ривожланишининг нафақат муайян даврда, балки боланинг келгуси ривожида ҳам катта рол ўйнайдиган томонлари билан ўзига жалб қиласиди. Нисбатан катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришдаги нуқсонлар ва кечикишларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг кўпчилиги кўпинча илк босқичларда бола нутқи шаклланишининг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ бўлади. Ушбу жиҳатга Е.И.Тихеева ҳам эътиборни қаратган. Илк ёшлардаги болалар нутқини ўрганиш ишига Е.И.Тихеева, Н.М.Шелованов, В.И.Фрадкина, Н.М.Аксарина, Г.М.Лямина, В.А.Петрова каби таниқли олимлар, амалиётчи педагоглар ва методистлар сезиларли хисса қўшдилар.

Боланинг фаол нутқка ўтиши пайтида унинг нутқини ривожлантиришга оид кўп сонли тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, ушбу асосий қоидаларни баён қиласиз.

Илк ёшда нутқни ривожлантириш икки йўналиш бўйича олиб борилади: бола нутқини такомиллаштириш ва унинг ўз фаол нутқини шакллантириш. Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш чоғида нутқининг талаффуз жиҳатларини шакллантириш муддати ва суръатларидаги индивидуал фарқлар жуда сезиларли бўлади, одатда фаол нутқ 2-2,5 ёшларга келиб пайдо бўлади. Боланинг ўз яқинлари бўлган катталар билан мулоқотга эҳтиёжи нутқни ўз вақтида ва тўғри ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади.

**Фойдаланган адабиётлар**

- 1.Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизими니 тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисидаги қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, «Халқ сўзи» газетаси. 2017 й., 11 сентябр. 181 (6875)-сон.
- 2.Арушова А.Г. Развитея речи дошколников. Методическая пособия для воспитателей. М.:1997- 107 с.
- 3.Жалолова Г. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т.:2004- 69 б.
- 4.Қодирова Ф.Р.,Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси .Дарслик. Т.:Истиқлол, 2006-247 б.
- 5.Мўминова Л. Р. Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш дастури. Т.:1996-476.